**Пардаев Абдиғани Абдалимович** — «Талимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонасининг кимё цехи бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Пеньков Константин Алексеевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси «Кўприкқурилиш» трестининг 13-кўприк қурилиш отряди иш бошқарувчиси, Тошкент шаҳри

**Разикулов Абдусамат Абдуганиевич** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамиятининг пўлат эритиш цехи устаси, Тошкент вилояти

**Рахимбеков Хакиммирза Уразович** — Янгиқўрғон тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасининг автогрейдерчиси, Наманган вилояти

**Рахматов Ҳамроқул Шукурович** — «Олот нефть ва газ қидирув экспедицияси» шўъба корхонасининг катта механиги, Бухоро вилояти

**Рахматуллаев Хайрулла Абдуллаевич** — «Ташгипрогор» очиқ акциядорлик жамиятининг устахона раҳбари, Тошкент шаҳри

**Рўзимов Отаназар Эгамбердиевич** — «Туямўйин гидроэлектростанцияси» давлат корхонасининг цех муҳандиси, Хоразм вилояти

**Сайфуллаев Актам Абдурашидович** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти директори

**Сапаров Мирахмет Бегматович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамиятининг Қолмақир кон бошқармаси бурғулаш қурилмаси машинисти, Тошкент вилояти

**Сахаджи Юрий Вячеславович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг цех муҳандиси

**Сейтов Ниетбай Узақбаевич** — «Қўнғирот сода заводи» унитар корхонасининг компрессия цехи смена бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Султанов Садирдин Абдурахимович** — «Андижон гидроэлетростанцияси» давлат корхонасининг чилангари, Андижон вилояти

**Ташев Аслиддин Пирманович** — Самарқанд шаҳридаги «Ўзқишлоқэлектрқурилиш» корхонасининг 2-механизациялашган колоннаси иш юритувчиси, Самарқанд вилояти

**Ташпулатов Анатолий Маликович** — Олмазор туманидаги «Агрегат заводи» акциядорлик жамиятининг пармаловчиси, Тошкент шаҳри

**Тулаганов Тахиржон Таирович** — «Тошмахсустранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Яккасарой-Махсустранс» автокорхонаси ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Турсункулов Закиржан Хозраткулович** — «Бекободцемент» очиқ акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи, Тошкент вилояти

**Турсунов Мираваз Мирсаликович** — Мирзо Улуғбек туманидаги «Ўзкабель» акциядорлик жамиятининг сим ўровчиси, Тошкент шаҳри

**Тухтаев Даврон Давлатович** — Самарқанд шаҳридаги «Баҳодир А» қурилиш корхонасининг бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Умаров Кадир Маликович** — Янгиер шаҳридаги «Наримон» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Сирдарё вилояти

**Умаров Обидхон Каримович** — «Ўзэлектротерм» акциядорлик жамиятининг «Намтерм» ишлаб чиқариш корхонаси қадоқловчиси, Наманган вилояти

**Ўринов Жумамурод** — «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Янгиариқ тумани бўлинмаси раиси, Хоразм вилояти

**Усманов Равшан Шониязович** — «Мубоpакнефтгаз» унитар шўъба корхонасининг газ қазиб чиқариш участкаси бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Утапов Абдувахит Саматович** — «Ўртаосиёранглиметаллэнерго» акциядорлик жамиятининг электр сим ўровчиси, Тошкент шаҳри

**Файзуллаев Ядгар Шукуруллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг бўлим бошлиғи

**Хайдаров Ахадбек Яхебекович** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг монетар сиёсат департаменти директори

**Хайдарова Ойшахон Мирзақуловна** — Булоқбоши туманидаги «Шарқ Юлдузи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

**Хакимов Базар** — «Нуроний» жамғармасининг Янгиер шаҳар бўлими раиси, Сирдарё вилояти

**Халилов Жалол Ибрагимович** — «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонасининг нефть ва газ қазиб чиқариш устаси, Қашқадарё вилояти

**Халилова Матлуба Хасановна** — Балиқчи тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, Андижон вилояти

**Халилова Махфират Мирзаевна** — Китоб туманидаги «Йўлдош шаҳарча» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти

**Халмирзаев Ботир Каршибаевич** — «Жиззах аккумулятор заводи» очиқ акциядорлик жамияти бош директорининг ўринбосари, Жиззах вилояти

**Хатамов Масидик Жавакович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамиятининг Ангрен кон бошқармаси портлатувчиси, Тошкент вилояти

**Хожакулов Ғуломжон Рахмонкулович** — «Сирдарё иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамиятининг катта устаси, Сирдарё вилояти

**Холиқова Дильбар Маликжоновна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

**Хужаев Холбек Ризаевич** — «Нарпайдавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонасининг экскаватор машинисти, Самарқанд вилояти

**Ҳожиматов Халимжон Уринбоевич** — Фарғона тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасининг автогрейдерчиси, Фарғона вилояти

**Шамуратов Ташкул Ишкабилович** — «Жарқўрғоннефть» очиқ акциядорлик жамиятининг нефть қазиб чиқариш кони оператори, Сурхондарё вилояти

**Шмарин Андрей Николаевич** — «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ҳамза тумани бошқармаси чилангари, Тошкент шаҳри

**Эгамов Бахтиёр Зарипович** — Боғот туманидаги «282-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колоннаси» масъулияти чекланган жамиятининг бош муҳандиси, Хоразм вилояти

**Эргашев Кахрамон Пайзуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси

**Эргашева Дилбар Абдулатибовна** — Олтиариқ туманидаги «Полосон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

**Юн Раиса Павловна** — Балиқчи туманидаги «Оқ том» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Андижон вилояти

**Юсупова Ирода Хамидовна** — Самарқанд шаҳридаги «Лолазор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Самарқанд вилояти

**Юсуфов Йўлдаш Турдиевич** — Сариосиё туманидаги «Махсус қурилиш ва таъмирлаш» масъулияти чекланган жамиятининг участка бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 24 август*

*(Давоми. Боши 1, 2-бетларда.)*

# ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ЗИКИР МУҲАММАДЖОНОВ



Ўзбекистон маданияти ва санъати оғир жудоликка учради.

Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли санъаткор, ўзбек театр ва кино санъатининг ёрқин намояндаси Зикир Муҳаммаджонов 91 ёшида вафот этди.

З.Муҳаммаджонов 1921 йили Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилди. 1951 йилда Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институтини тамомлади.

У 1943 йилда собиқ Ҳамза номидаги — ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театрида актёр сифатида иш бошлаб, умрининг охирига қадар ушбу даргоҳда самарали фаолият кўрсатди. «Жалолиддин Мангуберди», «Мирзо Улуғбек», «Ўтмишдан эртаклар», «Кузнинг биринчи куни», «Макр ва муҳаббат», «Ҳамлет», «Ромео ва Жульетта» сингари машҳур саҳна асарларидаги бош роллар Зикир Муҳаммаджонов томонидан юксак маҳорат билан ижро этилди.

Ёрқин ва бетакрор истеъдод соҳиби иштирокида яратилган спектакллар нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш билан кутиб олиниб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Ўзига хос ижодий услуб эгаси бўлган маҳоратли ва тажрибали санъаткор миллий кино санъатимиз ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшди. У кўплаб бадиий ва видео фильмларда тарихий ва замонавий образларни яратди, жаҳон кино санъатининг кўплаб сара асарларини ўзбек тилига дубляж қилиб, халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришда фаол иштирок этди.

Зикир Муҳаммаджонов ижодий фаолият билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. Ўзбекистон театр ижодкорлари уюшмаси раҳбари сифатида иш олиб борган пайтида у саҳна санъатини ривожлантириш, ёш ижодкорларни тарбиялаш, театр ва кино санъати ютуқларини халқимиз ўртасида кенг тарғиб этишда ўзининг ташкилотчилик фазилатларини намоён қилди.

Қарийб олтмиш йиллик ижодий фаолияти давомида у кўплаб истеъдодли ёшларга устозлик қилиб, уларга маҳорат сирларини ўргатди.

З.Муҳаммаджоновнинг миллий маданиятимизни ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони, «Буюк хизматлари учун» ва «Дўстлик» орденлари, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан мукофотланган эди.

Таниқли санъаткор, меҳрибон устоз, камтарин инсон З.Муҳаммаджоновнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ, А.ИКРОМОВ, П.САИДҚОСИМОВ**

**«Паралимпия ўйинлари – 2012»**

# ЎЗБЕКИСТОН ПАРАЛИМПИЯЧИЛАРИ ЛОНДОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон спорт делегацияси XIV Паралимпия ўйинларида иштирок этиш учун 24 август куни Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрига жўнаб кетди.

Тошкент халқаро аэропортида паралимпиячиларимизни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, спорт жамоатчилиги вакиллари, спортчиларнинг ота-оналари, мухлислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари йиғилди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш жараёнида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, ногирон ва жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг ҳам билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиши ва интилишига кўра касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани таъкидланди. Мурувват уйлари, ихтисослашган ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида улар махсус педагогик усулларда таълим олиб, спорт билан шуғулланмоқда.

Шундай юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасида вояга етган паралимпиячиларимиздан ўн нафари Лондон шаҳри мезбонлик қиладиган XIV Паралимпия ўйинларида спортнинг тўрт тури бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Паралимпия ўйинлари — ногирон ва жисмоний имконияти чекланган спортчиларнинг энг йирик халқаро спорт анжуманидир. Паралимпия ҳаракатига 1948 йилда Буюк Британиядаги Сток-Мандевиль госпитали нейрохирурги Людвиг Гуттман томонидан асос солинган. 1960 йилнинг 18-25 сентябрь кунлари Италиянинг Рим шаҳрида ногирон ва жисмоний имконияти чекланган спортчилар ўртасида ўтказилган мусобақа илк Паралимпия ўйинлари сифатида тарих саҳифаларидан жой олди. Унда дунёнинг 23 мамлакатидан 400 нафар паралимпиячи саккиз спорт тури бўйича 57 медаллар жамланмаси учун ўзаро куч синашган.

Бугун Паралимпия ҳаракати дунёнинг кўплаб мамлакатларида жадал ривожланмоқда. Жорий йилнинг 29 август — 9 сентябрь кунлари Лондон шаҳрида ўтадиган XIV Паралимпия ўйинларида жаҳоннинг 166 давлатидан 4200 нафар спортчи қатнашиши кутилмоқда. Улар спортнинг 20 тури бўйича 502 медаллар жамланмаси учун ўзаро рақобатлашади.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги қарори асосида юртимиз паралимпиячилари ушбу ўйинларга пухта тайёргарлик кўрди. Спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, Паралимпия ўйинларига йўлланма берадиган нуфузли мусобақаларга тайёрланиши ва уларда муносиб қатнашиши учун барча шарт-шароит яратилди.

Халқаро Паралимпия қўмитаси қарорига кўра, Лондонда бўладиган ўйинларда қатнашиш ҳуқуқи саралаш мусобақаларидан муваффақиятли ўтган спортчилар орасидан жаҳон рейтингида энг юқори поғоналарни эгаллаган паралимпиячиларга берилди. Ҳамюртларимиз маҳорат ва тажрибасини ошириш мақсадида 2009 йилда Японияда ёшлар ўртасида ўтган Параосиё ўйинларида қатнашди ва беш олтин, учтадан кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлди. АҚШда кўзи ожизлар ўртасида ўтказилган Жаҳон ёшлар ва талабалар ўйинларида биттадан олтин, кумуш ва тўрт бронза медаль жамғарилди.

2010 йилги спорт мавсумида ҳамюртларимиз Кувайтда енгил атлетика бўйича ўтган халқаро мусобақада 2 олтин, 3 кумуш ва 4 бронза медалга лойиқ топилди. Аргентинада футбол бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ногирон-ампутант футболчилар терма жамоаси 2007 йилда қўлга киритилган жаҳон чемпионлиги унвонини муносиб ҳимоя қилиб, кетма-кет иккинчи маротаба олтин медалга сазовор бўлди. Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган Параосиё ўйинларида Ўзбекистон паралимпиячилари 1 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза медаль жамғарди.

Паралимпиячиларимизнинг мазкур йирик спорт анжуманларида тўплаган тажрибаси уларнинг XIV Паралимпия ўйинларининг мураккаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтишига хизмат қилди. Лондондаги мусобақаларда ўн нафар паралимпиячимиз спортнинг тўрт тури — енгил атлетика, сузиш, пауэрлифтинг ва дзюдо беллашувларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Паралимпия ўйинларида дзюдо бўйича 73 килограмм вазн тоифасида гиламга чиқадиган Шариф Халилов 2010 йилдан буён халқаро мусобақаларда иштирок этиб келмоқда. У 2010 йили Хитойда ўтган Параосиё ўйинларида кумуш, 2011 йили Туркияда кўзи ожизлар ва заиф кўрувчилар ўртасидаги IV Бутунжаҳон ўйинларида бронза медалга сазовор бўлган.

Жорий йил сузиш бўйича АҚШда ўтказилган халқаро турнирда олтин медални қўлга киритган Кирилл Паньков 100 метрга баттерфляй усулида сузиш баҳсларида қатнашади.

Шу йилнинг февраль ойида Бирлашган Араб Амирликларида пауэрлифтинг бўйича ўтган мусобақада юқори рейтинг очколарини жамғарган Яшин Шобердиев ва Елена Абасова ҳам Паралимпия ўйинларида қатнашадиган жаҳоннинг энг кучли спортчилари сафига қўшилди.

Яна олти нафар спортчимиз енгил атлетиканинг турли йўналиши бўйича баҳсларга киришади. Параосиё ўйинлари совриндорлари Дониёр Солиев ва Миран Сахатов уч ҳатлаб сакраш, халқаро турнирлар ғолиби Муяссар Иброҳимова 100 метрга югуриш, Параосиё ўйинлари кумуш медали соҳиби Ҳусниддин Норбеков ядро ва диск улоқтириш, 2008 йилги Паралимпия ўйинлари иштирокчиси Равил Диганшин ва халқаро мусобақалар совриндори Иван Панифидин ядро улоқтириш баҳсларида иштирок этади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

ЎзХДП: электорат манфаати

# ОДАМЛАРНИНГ ПАРТИЯГА ИШОНЧИ

## *энг аввало амалий ишлар билан белгиланади*

**«2012 ЙИЛДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИНИНГ ТУМАНДАГИ ИЖРОСИ». ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ШУ МАСАЛАНИ КЎТАРИБ ЧИҚҚАНИ БЕЖИЗ ЭМАС. ЧУНКИ ТУМАНДА ДАСТУР АСОСИДА 2012 ЙИЛДА 4354 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН. БУНИНГ УЧУН 6,1 МИЛЛИАРД СЎМ МАБЛАҒ САРФЛАНИШИ КЎЗДА ТУТИЛГАН. ҲУДУДДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА БОШҚА СОҲАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲИСОБИГА РЕЖАДАГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА. АММО ЙИРИК ВА КИЧИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК АСОСИДА УЙ МЕҲНАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОРАСИДАГИ ИМКОНИЯТЛАРДАН ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА ФОЙДАЛАНИЛАЯПТИ, ДЕБ БЎЛМАЙДИ. ПАРТИЯМИЗ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ ТЕГИШЛИ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИДА МАЗКУР МАСАЛА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ. КОМИССИЯ ҚАРОРИДА МУТАСАДДИ ИДОРАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ, ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТЛАРГА ЗАРУР ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ.**



Халқ депутатлари Тошлоқ туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи вилоят Кенгашидаги депутатлар билан ҳамкорликда Заркент агросаноат ва Тошлоқ иқтисодиёт касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишларнинг бориши, битирувчиларни ишга жойлаштириш масалаларини ўрганди. Таҳлиллар, ҳар икки коллежда ҳам муайян ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар борлигини кўрсатди.

Шундан сўнг, таҳлил натижалари дастлаб халқ депутатлари туман Кенгашидаги тегишли доимий комиссияда кўриб чиқилди. Масаланинг ёш авлод таълим-тарбияси, келажаги билан бевосита боғлиқлиги ҳамда ўта долзарблиги, унга янада чуқурроқ ёндашишни тақозо қилгани учун доимий комиссия ЎзХДП депутатлик гуруҳи талаби билан масалани халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига олиб чиқишга қарор қилди.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, сессияда Заркент агросаноат ҳамда Тошлоқ иқтисодиёт касб-ҳунар коллежларидаги таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишлар, битирувчиларнинг ишга жойлаштирилиши бўйича назорат-таҳлил якунлари тўғрисидаги ахборотлар тингланиб, қизғин муҳокама этилди ҳамда масала юзасидан халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори қабул қилинди. Унда зудлик билан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланди. Тегишли идораларга зарур кўрсатмалар берилди. ЎзХДП депутатлик гуруҳи қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммасига олди.

Депутатлик гуруҳимиз бу билан чекланиб қолгани йўқ. Шу йилнинг 31 июль куни халқ депутатлари Тошлоқ туман Кенгашининг 16-сессиясида гуруҳ ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси» муҳокама қилинди.

— 2012 йилнинг 6 ойида 886 нафар оила қуриш арафасида турган ёшлар тиббий кўрикдан ўтказилганида уларнинг баъзи бирларида камқонлик, эндокрин, гинекологик, ошқозон-ичак касалликлари борлиги маълум бўлди, — дейди **ЎзХДП туман кенгаши раиси Умматали Маҳмудов**. — Биз масалани чуқурроқ ўрганиш учун депутатларимиз бошчилигида ишчи гуруҳи туздик. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ижобий тажрибаларни умумлаштириш, камчиликларни эса бартараф этиш зарур эди. Тартибга кўра, дастлаб доимий комиссия, сўнгра халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси қарорлари қабул қилинишига эришдик.

170 минг аҳолиси бўлган Тошлоқ туманида бугун ЎзХДП туман кенгашини ҳам, партиямиз депутатлик гуруҳи аъзоларини ҳам яхши танишади, ҳурмат қилишади. Бунга сабаб уларнинг амалий, жонли, энг муҳими, электорат учун фойдали ҳаракатлари, ташаббусларидир.

Фарғона вилояти миқёсида оладиган бўлсак, ўтган саккиз ой мобайнида халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан жами 19 та ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаати билан бевосита боғлиқ турли масала сессиялар ҳамда доимий комиссияларда кўриб чиқилди.

Аммо бу ҳамма ерда ҳам иш бирдек, жонли олиб борилаяпти, дегани эмас. ЎзХДП Ҳаракат дастурига асосан, йилнинг I чорагида «Тумандаги касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштирилиши тўғрисида», II чорагида «Туманда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида янги иш ўринлари яратиш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш тўғрисида»ги масала халқ депутатлари Ёзёвон туман Кенгаши сессияси муҳокамасига депутатлик гуруҳимиз томонидан киритилиши лозим эди. Афсуски, туман партия ташкилоти ҳамда депутатлик гуруҳи бу масалага совуққонлик билан қараб келаяпти.

Шу ўринда савол туғилади. Нима учун бу ердаги партия фаоллари бугун сиёсий партиялардан талаб этилаётган вазифаларга сидқидилдан киришмаяпти? Наҳотки, улар одамларнинг партияга муносабати, ишончи энг аввало, амалий ишлар билан белгиланиши, битта туманда партия фаолияти тўғри йўлга қўйилмаган бўлса, бу бутун бир партия номига, нуфузига соя ташлаши мумкинлигини англамаяпти?

Демак, ёзёвонлик партиядошлар ўз иш фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, қўшни Тошлоқ туманидаги фаолларнинг ибратли иш тажрибасини ўрганишлари, ташаббус кўрсатишга интилишлари талаб этилади.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

Фракция фаолияти



# САЙЛАШ ВА САЙЛАНИШ ҲУҚУҚЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

## *янги қонун лойиҳасида алоҳида эътиборга олинган*

***Зиёвиддин МАНСУРОВ,***
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,***
***ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

— Мазкур қонун лойиҳаси барча сиёсий партиялар, жумладан, ЎзХДП учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис жорий йилнинг июль ойида сиёсий партиялар вакиллари иштирокида вилоятларда сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган семинарларда электорат вакиллари билан мазкур қонун лойиҳаси бўйича фикр алмашдик. Муҳокамалар чоғида аҳолининг кейинги йилларда ҳуқуқий саводхонлиги ошгани, мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, айниқса, қонунчилик соҳасидаги янгиликларга бефарқ эмаслиги яққол намоён бўлмоқда. Буни ўтказилган 50 дан зиёд семинар ва давра суҳбати, 2 та халқаро конференция жараёнида чуқур ҳис қилдик. Шуниси муҳимки, анжуманлар давомида қонун лойиҳасини такомиллаштириш борасида 100 га яқин таклиф ва тавсиялар билдирилди. Улар қонун лойиҳасини мукаммаллаштириш жараёнида қўл келади.

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

***Мажидхон УСМОНОВ,***
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,***
***ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

— Қонун лойиҳаси бевосита партиямиз сайловолди ташвиқотининг самарадорлигини ошириш ва дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлайди. Бу эса бевосита сайловларда кўпчилик ўринларни эгаллаш ва шу орқали давлат бошқарувида фаол иштирок этишга замин ҳозирлайди.

Шунингдек, қонун лойиҳаси барча фуқаролар ва сиёсий партияларга давлат ҳамда жамият бошқарувида фаол иштирок этиш учун янада кенг имконият очиб бериши билан аҳамиятлидир. Бундан ташқари, ҳужжат фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Давра суҳбатида сайлов қонунчилигининг тобора такомиллашиб бораётгани фуқаролик жамияти ривожланишига хизмат қилиши таъкидланди. Шунингдек, унда сайловлар ўтказиш тажрибаси, бугунги кундаги амалиёт, қонунчиликни янада такомиллаштириш билан боғлиқ кўплаб фикрлар ўртага ташланди.

**Икром МУСАЕВ,**
**ЎзХДП МК Матбуот хизмати ходими.**

---

ЎзХДП маҳаллий Кенгашларида

# ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА

## *сиёсий партиялар фаол иштирок этиши лозим*

Хўжайли туманида «Мустақиллик йилларида сиёсий партиялар ривожланишининг ҳуқуқий асослари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, бошланғич ташкилотлар етакчилари ва электорат вакиллари иштирок этди.

— Бугун фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар тобора чуқур тус олмоқда, — деди ЎзХДП Хўжайли туман кенгаши раиси Маҳмуд Қочқаров. — Буни сиёсий партиялар дастурларида белгиланган вазифаларни амалга ошириши учун барча ҳуқуқий шарт-шароит яратилаётганида ҳам кўриш мумкин. Табиийки, бу бизнинг электорат манфаатини ҳимоя қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги масъулиятимизни янада оширади.

Шунингдек, сўзга чиққанлар мамлакатимизда кечаётган демократик ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кишилар онгига чуқур сингдириш, сиёсий жараёнларда аҳолининг фаол иштирокини таъминлашда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли ҳақида фикр юритдилар.

**Саломат РИЗАЕВ**

---

Партия фаоллари ташаббуси билан

# МУҚОБИЛ ТАКЛИФ

## *ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларни иш билан таъминлашга хизмат қилади*

**ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН КАТТАҚЎРҒОН ШАҲРИДА «ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИНИНГ МАҲАЛЛИЙ РЕСУРС ВА ИНФРАТУЗИЛМАНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ТУМАН ВА ШАҲАР ИНВЕСТИЦИОН ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА МУҚОБИЛ ЛОЙИҲАЛАРНИ КИРИТИШ БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ» МАВЗУСИДА АМАЛИЙ СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ва бошқа тегишли ташкилот ҳамда вазирликлар билан ҳамкорликда ўтказилган семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия экспертлари, фаоллари, шунингдек, электорат вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, партиямиз кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, жисмоний имконияти чекланган фуқаролар, қўллаб-қувватлашга муҳтож ёшлар ва аҳолининг бошқа қатламини ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг қулай ва афзал шакли — уларни доимий иш билан таъминлаш, деб ҳисоблайди. Бу эса партия фаоллари ва депутатлардан энг аввало янги иш ўринлари яратиш борасидаги вазифаларга масъулият билан ёндашиш, жумладан, жойларда оилавий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари ривожи билан боғлиқ ислоҳотларда фаол иштирок этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, шаҳар ва туманлар инфратузилмаси, маҳаллий хомашё ресурсларини ҳисобга олган ҳолда муқобил лойиҳалар ишлаб чиқишга қаратилган фаолиятини янада жонлантиришни талаб этади.

— Ўтган йили халқ депутатлари шаҳар Кенгаши «Каттақўрғон шаҳрини 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастури»ни тасдиқлаган эди, — деди **ЎзХДП Каттақўрғон шаҳар кенгаши раиси, партия депутатлик гуруҳи раҳбари Тоҳир Ҳамидов**. — Депутатлик гуруҳимиз мазкур дастур ижросини таъминлаш ва электорат манфаатидан келиб чиқиб, унга қўшимча муқобил таклифлар киритиш мақсадида шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази, тижорат банклари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан ҳамкорликда ҳудуднинг, ички имкониятларини ўрганди. Бундан ташқари, Жамоатчилик қабулхонамизга ўз шахсий ва оилавий тадбиркорлигини бошлаш ниятида юрган электорат вакиллари томонидан қилинган мурожаатлар, уларнинг бизнес-режалари, таклиф ҳамда тавсиялари чуқур таҳлил этилди.

Бу саъй-ҳаракатлар натижасида 9 та истиқболли лойиҳа депутатлар ва партия фаоллари томонидан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига муқобил таклифлар сифатида тақдим қилинди.

Бу саъй-ҳаракатлар натижасида 9 та истиқболли лойиҳа депутатлар ва партия фаоллари томонидан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига муқобил таклифлар сифатида тақдим қилинди.

— Лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда энг аввало, уларнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида яратилиши мумкин бўлган янги иш ўринлари, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тутган аҳамияти ҳисобга олинди, — деди **ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Камолбой Исобеков.** — Шунингдек, дастур тасдиқланган пайтда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун ҳали қабул қилинмаган эди. Шу боис ўз таклифларимизда жойларда соҳани ривожлантириш ҳисобига ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларни иш билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратдик. Агар бу лойиҳалар муваффақиятли амалга ошадиган бўлса, 70 дан зиёд янги иш ўрни вужудга келади.

— Аҳоли, айниқса, ёшларни доимий меҳнатга жалб этиш, мустақил фаолият бошлаши учун кўмаклашиш, бу борада уларга тегишли тушунтириш ишларини олиб бориш масалаларига катта урғу бераяпмиз, — дейди **халқ депутатлари Каттақўрғон шаҳар кенгаши депутати, ЎзХДП аъзоси Азим Юсупов.** — Чунки, шаҳардаги барча — 35 та маҳаллада янги иш жойлари ташкил этиш учун шарт-шароит етарли. Белгиланган дастурга кўра, ҳудуддаги бир қатор маҳаллаларда 20 га яқин янги иш ўрни очилади. Шунингдек, ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида маиший хизмат кўрсатиш масканларини барпо этиш кўзда тутилган. Уларга касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшларни ишга жойлаштириш режалаштирилган.

Семинар давомида кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари электорат вакилларига уларни ўйлантираётган масалалар юзасидан тегишли тавсия ва ҳуқуқий маслаҳатлар берди.

Семинар якунида жойлардаги имкониятлардан келиб чиқиб инвестицион дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш, уларга муқобил таклифлар киритиш бўйича партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг фаоллигини ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Реклама


«ТОШКЕНТДОНМАҲСУЛОТЛАРИ»
TDM
акциядорлик
жамияти жамоаси
юртимиз аҳлини
энг улуғ, энг азиз
байрам билан
қутлайди!
21 ЙИЛ
Барчангизга тинчлик-хотиржамлик,
бахт-саодат, ишларингизда
омад тилайди.
Мустақиллигимиз
абадий бўлсин!


ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ
ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!
AGROBANK
Истиқлолимизнинг 21 йиллиги
муборак бўлсин!
Озод ва обод юртда
барчага бахтли ҳаёт тилаймиз!
www.agrobank.uz
Хизматлар лицензияланган


ENERGY STAR
«ENERGYSTAR»
масъулияти чекланган жамият
жамоаси
халқимизни
мустақиллик байрами
билан табриклайди.
Истиқлол айёми
қалбларимизга қувонч,
оилаларимизга хотиржамлик,
рўзғоримизга қут-барака
олиб келсин!

Реклама

UZTELECOM

# «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси тизимидаги

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали жамоаси

юртдошларимизни истиқлол айёми билан муборакбод этади!

Кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва умид туйғулари асло тарк этмасин!

ИСТИҚЛОЛ МУБОРАК, АЗИЗ ДЎСТЛАР!









# «ЎЗБЕККЎМИР»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси



халқимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги билан табриклайди.

Қутлуғ айём ҳар бир хонадонга файз-барака, шодлигу қувонч олиб келсин.

Реклама


Денов нефть базаси унитар корхонаси жамоаси
халқимизни Ватанимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги байрами билан қизғин муборакбод этади.
Эл юртимиз тинч, халқимиз дастурхони тўкин-сочин, хонадонларимиз нурафшон бўлсин.
Истиқлол байрами муборак, азиз дўстлар!


Беруний маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи
Юртдошларимизни истиқлол байрами билан қутлайди.


AGROBANK
ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!
Ҳаммаси кичикдан бошланади!
Кичик бизнес учун кредитлар
Кредит олиб ғояларингизни рўёбга чиқаринг!
www.agrobank.uz
Хизматлар лицензияланган


«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тизимидаги
14-SON RELS PAYVANDLASH POEZDI UNITAR KORXONASI JAMOASI
Ватандошларимизни Мустақиллик байрами билан муборакбод этади!
Барчага тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ҳар бир оилага фаровон ҳаёт тилайди.


Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси
Мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги байрами билан барча юртдошларимизни табриклайди.
Иқтисодиётимиз ривожи, халқимиз фаровонлиги, Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ишларимизда ҳамиша омад ёр бўлсин!

Реклама










MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 846
10525 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 00.00
Topshirilgan vaqti — 00.00
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5